

Косонсой тумани «Косон» қишлоғидаги «Юмалок шайх» маҳалласи фаоллари қишлоқ ёшлари спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш мақсадида кичик спорт мажмуасини бунёд этишга бел боғлади.

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УОШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 5 июл, шанба № 103 (1528)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## МАҲАЛЛА ГУЗАРИ меҳр-оқибат маскани

Анъянинг қарор топиши, унинг ҳаётга чуқурроқ сингишида ташаббус ва ташкилотчиликнинг ўрни бекиб. Мамлакатимиз истиқболга эришгандан сўнг маҳалла гузарлари барпо этиш, хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Гузар нафақат қишлоқнинг кўрки, балки одамлар бўш вақтларида дил чигалини ёзадиган, меҳр-оқибатни уйғунлаштирувчи маскан бўлиши лозим. Бу истак оқ олтинликлар қалбида заҳиран акс этарди.

Тубхоначи Жумагул Суянова 2 минг нафардан зиёд китобхона хизмат кўрсатиб келаяпти. У 2 та кўчма тубхона ташкил этиб, дала ишчиларини ҳам таъминлаб келаяпти.

Маҳалла осойишталиги, одамлар тинч-хотир-жамлигига не етсин. Миллиция таянч пункти жамоаси кишиларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлашни намунали ташкил этмоқда.

Худудимизда жиноятчилик, майда ўғирлик ва безориликлар барҳам топди, - дейди туман ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими масъули, милиция майори Абдумалик Қолдибеков. - Ички ишлар бўлими вакиллари маҳалла кўмитаси таркибидаги тарбиячи-педагог, поёбон ва оқоқолдан иборат гуруҳ хонадонларда тез-тез бўлиб, фуқаролар билан суҳбатлар олиб боришмоқда.

Туман ҳокимлиги томонидан қишлоқ фуқаролари билан биргаликда маънавий хизмат шохобчалари қулайликларидан ҳам фойдаланишга ётир. Гузарда сартарошхона, радио-телевизор соzinha устaxonаси, савдо дўконлари мавжуд. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун спорт майдончаси ҳам бунёд этилган.

## БЕГАРАЗ ЁРДАМ

Япония ҳукумати Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш учун stipendия тақдим этиш грант лойиҳаси бўйича 2003 милодий йилга мўлжалланган 58 миллион иена миқдорда бегараз ёрдам ажратди.



## ИБН СИНО ВОРИСЛАРИ

Бир вақтлар Янгийул шаҳар касалхонаси қошида фелдшерлик мактаби очилганди. Қўл ўтмай у фелдшер ва дояра тайёрлайдиган билим юртига айланганди.

Талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида меҳрибонлик кўрсатиляпти. Эътиборлиси шуки, коллеж терма жамоаси «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди.

С.ЎРМОҢОВ (ЎЗА) олган суратлар

## СЕМИНАР-КЎРГАЗМА

Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорлар палатасида таълим ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган семинар-кўргазма бўлиб ўтди.

Семинарда кичик корхоналарга мўлжалланган мини технологиялар ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган ижтимоий ускуналарнинг кўча кўргазмаси ташкил этилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрият жамғармаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири - бу болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишдир.

## ФЕСТИВАЛ ҚУВОНЧЛАРИ

маҳалла» шиори остида ўтаётган ва болалар спортини ривожлантиришга бағишланган ушбу фестивал уч турдан иборат.

ёзги таътил кунларини ўтказмоқда. Иқтидорли мактаб ўқувчилари концерти ва ёш пиёда-саёхатчилар танлови фестивалнинг марказий воқеасига айланди.

## ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

«Сўғдиёна» истироҳат боғида «Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компанияси тизимидagi корхоналарда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва анжонларнинг доимий кўргазмаси иш бошланди.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Жаҳон бозорида нефть нархи ўсиб бормоқда. Шу боис Халқаро энергетика агентлиги раҳбари Клод Мандиль ОПЕК аъзоларини нефть қазиб чиқаришни қўпайтиришга қарор қилди.

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Исроилнинг Тель-Авив шаҳрини жаҳон дурдоналари каторига киритди.

## ГУЛЛАР МАСКАНИ

Худуди 4 минг квадрат метр майдондан иборат Андижон шаҳрида 330 мингдан ортиқ киши яшайди. 65 та фуқаролар йиғини бор.

«Сўғдиёна» истироҳат боғида «Ўзбекенгилсанот» давлат акциядорлик компанияси тизимидagi корхоналарда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва анжонларнинг доимий кўргазмаси иш бошланди.

# «АВТОМОБИЛЧИ» ФАРЗАНДЛАРИ ИМТИЁЗЛИ ДАМ ОЛМОҚДА

**Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги «Калай-чорбор» ширкат хўжалиги ҳудудида ажойиб маскан бор. У вилоят Автомобил транспорт ва йўл хўжалиги ходимлари фарзандлари дам олаётган «Ёш автомобильчи» соғломлаштириш оромгоҳидир.**

Бу масканда жорий йилда ҳар йилгидан кўра кўпроқ бола дам олади. Вилоят тармоқ касабаси уюшмаси бўлиб қўрилган янги раҳбар – Шаҳодат Ихтиёрова раис бўлган ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Касабаси уюшмаси раисининг қўлидан кўпгина фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Касабаси уюшмаси раисининг қўлидан кўпгина фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

техника сирларини ўргатиш билан бирга унинг ёрдамида психологик уйинлар, билим даражасини оширувчи машқлар ўтказмоқда. Бош етакчи Гулнора Мухаммедованинг зардушлик тўғрисида, етакчилар Саида Икромова ҳамда Лобар Мухиддинова олиб бораётган тўқши ва рақс тўғрисида болалар билим олишлари билан бирга уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

## Ёз гапни ўзгача

лан гавжум. Бундан ташқари болаҳонларнинг мазза қилиб чўмилиб, офтобда тоблишилари учун кўркам ва қулай сузиш ҳавзаси мавжуд. Тўла ҳафтада икки марта тиббий кўриқдан ўтказилиб, до-ривор гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар ёрдамида саломатликларини тиклашмоқда.

Энг аҳамиятли томони шундаки, вилоят тармоқ касабаси уюшмаси раисининг қўлидан кўпгина фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Оромгоҳда бўлиб ўтаётган кўрик-танловлар, «Ким эпчил, ким чаққон» каби спорт мусобақаларида ўз маҳоратини кўрсатган ўғил-қизларга ҳомиёрлар томонидан совғалар тақдим этилмоқда. Дам олаётган болаҳонларнинг тутилган кунлари ҳам тантанали равишда нишонланиб, байрам дастурхони безалмоқда.

Сўлим масканнинг «Маънавият ва маърифат» хонасида тарихимиз, мустақил Ватанимиз ҳаётига оид учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. «Умид» ёшлар театр студияси ва маданият коллежи талабаларидан ташкил топган эстрада гуруҳи болаларнинг янада мароқли дам олишларига катта ҳисса қўймоқда.

Олдимизда ҳали катта максдларимиз кўп, - дейди оромгоҳ раҳбари Алишер Ҳазратов - Хусусан, барча ҳаракатларимиз болалар спортини янада ривожлантириш, тарбиявий ишларни янги услубий режалар билан бойитишга йўналтирилган.

**Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби**

Мана ёзги дам олиш мавсуми айни паллага кирди. Бу йилги ёзги таътил бухоролик ўғил-қизлар учун ҳам анча омадли кечиши мўқаррар. Чунки вилоят ҳокимлиги, касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ишлаб чиққан дастурлар асосида болаларимизнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнглидагидек ташкил этишни йўлга қўйиш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Ишнинг бориши вақт-вақти билан муҳокама этиб боришмоқда. Айрим муаммо ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан муҳим кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

манзарали кўчат ўтказилди. Таъмирлаш ва қўшимча жиҳозлар сотиб олиш мақсадида 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бугун Пешку туманидаги «Ёшлик», Шифиркондаги «Мингчирно», «Бухороё» хиссадорлик жамиятига қарашли «Жувозичи»,

# ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

«Бухоро таъминотчи» очик турдаги хиссадорлик жамиятининг «Ёш механизатор» каби оромгоҳлардаги саранжом-сарашталарини, тозалик ва ободончиликни кўрган кўзлар яшнаши мўқаррар.

Ҳаммадан ҳам оромгоҳларда янгидан барпо этилган павильонлар, соя-салқин жойларда тикланган дам олиш бекатлари, кутубхоналардаги бой маданий меросимизни тарғиб қилувчи адабиётлар, зилол сувга тўла чўмилиш ҳавзаларини кўрганда дилингизни ажиб туйғулар қамраб олиши табиий. Унлаб оромгоҳларимизга қарашли спорт майдончаларини таниб бўлмас даражада ўзгарганлигини ҳам

айтиб ўтиш керак. Агар вилоят микёсида уч босқичда ҳаммаси бўлиб 16 миң нафар болалар ёзги соғломлаштириш мавсумида дам олишлари режалаштирилган бўлса, унинг учдан икки қисми бевосита агросаноат тармоғига қарашли шаҳар ташқарисидидаги ёзги


масканларга жалб этилади. Шунинг ўзи тармоқ фаоллари олдига мураккаб, айна чоғда олижаноб, масъулиятли вазифалар турганлигини кўрсатади.

Мавсумолди тайёргарлик ишларига эътиборни қаратган Пешку туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, туман касабаси уюшмаси тармоқ кўмитаси «Ёшлик» оромгоҳида катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Оромгоҳ қисқа фурсатда тазмирдан чиқарилди. Ошхонадаги барча стол-стуллар, идиш-товуқлар янгиланди. Янгидан кўрпалар, юпюклар сотиб олинди. Бухоро туманидаги «Ёш пахтакор» оромгоҳига кўпжаб жиҳоз-

лар билан бирга 150 дан ортиқ янги қаровотлар келтирилди. «Мингчирнода» ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. Ланик бир неча бор таъкидланганига қарамай, Ёшқудон туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидидаги мутасаддилар ҳамда ширкат хўжалиги бошқарувидагиларнинг боқибғамлиги туфайли бу ердаги сўлим масканлардан бири саналган «Койнот» оромгоҳи ҳамда Вобкентдаги «Ёш ирригатор» ҳамда Қоракўлдаги «Шодлик» оромгоҳларида мавсум тайёргарлиги анча суст кетди.

Шулар қаторида хўжаликлар ва кўпжаб меҳнат жамоаларининг ижтимоий суғурта тўловларидан ҳосил бўлган қарзларини оромгоҳларга қўшимча хизмат кўрсатиш ҳисобидан қайтариш чоралари кўрилса ҳам чакки бўлмади. Оромгоҳларга қўшимча тарзда ҳомиёрлар белгилаш ҳам мавсумни юқори савияда ўтишининг муҳим шарти эканлигини унутмайлик.

**Юсуф ҚУРБОНОВ, вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси раиси**



Бунда вилоятдаги Жўрақул Насриддинов раҳбарлик қилаётган 2533-автокорхона, Фазлиддин Орипов бошқарган 2524-автожамланма, шунингдек, «Йўлқўрик-қурилиш» бошқармаси, «Таксомотор» саройи, Қоровулбозор туман Автомобил йўллари бошқармаси кенг кўламли ишларни олиб боришда катта ёрдам бердилар. Натихада болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавсумга намунали шай этилди. Биринчи навбатда 180 қармаси эса оромгоҳга телевизор ҳада этди. Тармоғимиз хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фарзандларимиз учун «Яшил чирок», «Йўл ҳаракати қондалари» бўйича махсус йўлақлар ташкил этилди. Бунда «Автомобил хўжалиги» кўнглини жамиятининг Бухоро вилоят бўлими катта ёрдам кўрсатди.

Оромгоҳ бу йил янгиқа услубда иш олиб бормоқда. Яъни, дам олиш масканида компьютер хонаси ташкил этилиб, мутахассис Б.Холиқов болаларга ақли

# РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК: БОШ МУДДАО – СОҒЛОМ АВЛОД

**Вазирлар Маҳкамасининг Ойлада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори талабларини бажариш борасида Денос туманида қатор ибратли ишлар олиб боришмоқда.**

Туман қишлоқларида 15 та врачлик пункти самарали фаолият юритяпти. Малакали шифокорлар, ҳамширалар фаолият кўрсатаётган мазкур шохобчаларнинг барчаси энг замонавий тиббий аппаратлар ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яқинда Амир Темур номли ширкат хўжалигида «Лочин» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни соҳаватеша тadbиркор Аҳмад Нарзуллаев шахсий маблағи ҳисобидан қуриб берди. Ҳозирги кунда бу ерда 5 миңдан зиёд аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

«Ғалаба» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Чуқур» қишлоқ врачлик шохобчасида ҳам барча қулайликлар яратилган. Тиббий жиҳозлар билан тўла таъминланган мазкур врачлик пунктининг тажрибали шифокор ҳамда ҳамширалари хизматидан аҳоли мамнун.

– Бугунги кунда «Соғлом авлод учун», «Она ва бола» дав-

лат дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ўз натижаларини бермоқда, – дейди туман марказий шифохонаси бош ҳақими, хизмат кўрсатган шифокор Фарид Фозиева. – Туманимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Малакали тиббий ходимлари аҳоли ўртасида, айниқса қишлоқ одамлари ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, аёллар ва болалар саломатлигини сақлашга қаратилган кенг қамровдаги тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Туман аҳолисининг 63 миң нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Улар соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом авлод туғилишини таъминлаш борасида кўпжаб ибратли тadbирлар ўтказилмоқда. Ҳомилдор аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолатларда ёрдам кўрсатиляпти. Мушлақ туғиш мумкин бўлмаган 152 нафар аёл тўлиқ контрацепция воситалари билан таъминланди.

Болалар ногирон бўлиб туғилишининг олдини олиш мақсадида «Репродуктив саломатлиқни яхшилаш», «Ҳомилдор аёлларнинг туғри овқатланиши», «Шахсий гигиена», «Она сутининг аҳамияти» мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилмоқда. Уларда юзлаб хотин-қизлар қатнашяпти. 295 ўринли замонавий туғрик мажмуи, туман поликлиникасида қизларни гинекологик кўриқдан ўтказиш хонаси ишлаб турибди.

Соҳа ходимларини ижтимоий жиҳаддан ҳимоялаш, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратилляпти. Кўп болали хотинлар, шунингдек, кам даромадли оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кексаларга меҳр-саҳават ёрдамлари кўрсатишмоқда.

– Кам таъминланган ходимларимиздан 30 нафарига 500 миң сўм моддий ёрдам кўрсатилди, – дейди туман соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси раиси Юнус Уроқов. – 58 нафар меҳнат фахрийларимиз Бухоро ва Тошкент шаҳарларига савҳатга олиб борилади. Ходимларимизнинг 70 нафар фарзандлари «Ваҳшивор» болалар оромгоҳида дам олишяпти.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири**

## Тахририятга хат

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз азим Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кенг ва раvon йўллар, хиёбонлар, кўприклар, мафтункор бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бугун юртимизга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон «Тошкент бизни мафтун этди» дейишида олам-олам маъно бор. Биз истиқомат қилаётган С.Раҳимов туманида ҳам қаламга олса аризулиқ ўзгартириш талайгина. Бироқ, Дадобоев кўчасидаги 2-уйда истиқомат қилаётган фуқароларга бир нарса тинчлик бермай келаяпти. Аввало хонадонларни сув билан таъминлайдиган тармоқлар тамомила эскирган. Неча йилдирки, қишни амалтақал қилиб ўтказяпмиз. Ёз келиши билан эса тўққиз қаватли уйнинг ертўласи сувга тўлади. Боз устига у ердан чиқаётган чивилар кўз очирайди. Бу каби камчиликларни бартараф этишга мутасадди ташкилотлар лоқайд қарашмоқда.

## ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

Яъши ният билан ширкат хўжалиги ташкил этилган. Шунда барчамиз энди ҳақли эътирозларимизга қулук тутадиган сунъий топилди, дея қувонгандик. Қайда дейсиз, кўп болали оилаларнинг жажжилари чивиннинг кўпчилиги, ертўланнинг зах босганлигиндан қийналишмоқда. Яқинда кўпчилиги тумандаги «Дўстлик – Коммуналчи» ўй-жой ширкати бошлиғи Соҳиб Каримов ҳузурига бордик. Бироқ, у билан яна рубарў бўлиш насиб этмади. Ҳаргал «мажлис» га кетган бўлади. Охири бошлиқни соатлаб кутиш натижа бермагач, бош ҳисобчи Н.Полвновага юзланиб, ахволдан уни огоҳ этдик.

– Ҳозирча қўлимиз калталик қилади, боиси сиз истиқомат қилаётган уйда яшовчиларнинг кўпчилиги ижара ҳамда коммунал хизмат ҳаққини вақтида тўлашмаяпти, – дея жавоб қилди бош ҳисобчи.

Шунда бирварақайига тўлов қоғозларини кўрсатдик. Барибир тайинли жавоб бўлмади. Ҳаммамиз ҳайрат ила уйимизга қайтдик. Узингиз ўйланг, мунтазам равишда ертўлага сув тошаётгани, турли чиқиндилар, темир-терсаклар уйиллиб ётганлиги муаммо устига муаммо туғдирмоқда. Яқингинада катта маблағ сарфланиб, ертўладан сув чиқарилган. Тармоқларнинг ўта носозлиги туфайли қисқа вақт ичида яна ташвишли манзара юзга келди. Ҳақли савол туғилади: ҳўш, юқорида қайд этилган камчиликлар қачон барҳам топади, қачон қулай широкларда яшаш имконига эга бўлаемиз.

**А. ГАЛОВАНОВ, Й. АҲМЕДОВ, меҳнат фахрийлари**

# Шарҳловчи минбари «МОҲ»НИНГ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИ

**МОҲ Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг кўп томонлама ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилот. Унга 2001 йилнинг декабр ойида Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда асос солинган. Тўрт давлат Президентларининг бу борадаги Бяёноти ўшанда Ўзбекистон пойтахтида қабул қилинган. Орадан икки ой ўтиб, яъни 2002 йилнинг феврал ойида Алматы шаҳрида «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекилди. Бу Тошкентдаги Бяёнотдан келиб чиқиб қабул қилинган қарор эди. Алматыдаги саммитда Ўзбекистон Президенти МОҲнинг раиси этиб сайланди.**

Ўтган йили МОҲ жуда самарали ишлади. Айниқса, йилнинг иккинчи ярмида ўтказилган саммитларда тўрт давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги яқин ҳамкорлигининг асосий йўналишлари юзасидан келишувларга эришилганлиги катта аҳамият касб этади. Эътиборлиси шундаки, МОҲга аъзо давлатлар белгиланган режаларни амалга ошириш бўйича дадил қадамлар қўйдилар.

Жумладан, октябр ойида Душанбедаги саммитда МОҲнинг фаолиятини ривожлантириш бўйича декларация қабул қилиш ҳамда парламентларо учрашув ва бизнес анжуман ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Бу қарор тўлиқ амалга оширилди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон парламентлари раҳбарларининг ҳамда тўрт давлат ишбилармонларининг Тошкентдаги учрашувлари муваффақиятли ўтди. Парламентларнинг тажриба алмашиш тушулари ҳамда ишбилармонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликлари, шубҳасиз, МОҲнинг сиёсий ва иқтисодий асосини мустаҳкамлашга хизмат

қилади. МОҲнинг ўтган йил декабр ойида Остона шаҳрида бўлган саммитида ташкилотнинг 2003 йилдаги ва ундан кейинги давридаги ҳаракат дастури билан боғлиқ муҳим режалар белгилаб олинган эди. Алматыдаги саммитда ана шу режаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди ва қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, МОҲнинг бундан кейинги фаолиятидаги асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг 2002 йил декабр ойида Остонада бўлиб ўтган саммитида кейинги учрашувларга Афғонистоннинг ҳам вақилини қузатувчи сифатида тақлиф этиш ташаббуси билан чиққан эди. Бу сафарги учрашувда ҳам Афғонистондаги вазирлар, нарқобизнес ва халқаро терроризмга қарши кураш, бу қўшни давлатга қайта тиклаш ишларида ёрдам кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилди. Учрашув яқунлари бўйича баёнот имзоланиши кўзда тутилмоқда.

**Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-ПРЕСС»**



**«Халқ банки»нинг 3574-сонли бўлинмаси бошқарувчилиги лавозимига қимий тайинлаш масаласи кўпдан бўён муаммо бўлиб турарди. Бу ҳақда Марҳамат туман ҳокимлигидаги мутасаддилар узок бош қотирдилар. Негаки, молия муассасасига тажрибали, ишбилармон келадилар.**

Ниҳоят Қудратбек Акбаров назарга тушди. Негаки, кўринишидан ишчан, пул-кредит тизимидан хабардор, олий маълумотли мутахассис эди. Дастлабга ишончини оқлагандек бўлди. Миջозларни кўпайтирди, аҳолининг омонатларини банкка жалб қилди. Муомаласи, тadbиркорга ён босиши, жонқурлиғи билан оғизга тушди.

Бироқ вақт ўтиши билан у ўзига орқикча баҳо бера бошлади. Раҳбарман меники тўғри, қабилида иш юритди. Бир кунчи Ҳамидхон Сулаймонова кўнғироқ қилиб, 400 миң сўм қарздорлик пулини банкка қабул қилишларини сўрайди. Шохобча хазиначилар Обиджон Исмоилов, Мирзахамдам Исаевлар кўмағида пул маблағи марказий хазинача мудири Акмал Хусанов қўлига тўловнома билан топширилади.

Қудратбек лавозимини суистемол қилмаганда, нафақат банк жамоаси, балки уларнинг ўзлари ҳам ёмонотлиққа чиқма-

ган бўларди. Шундай қилиб, жиноий ишга қўл урилди. Юқоридаги пул маблағи бош-

# ВИЖДОНМИ Ё ЖИҒИЛДОН?

қарувчи билан хазинахона мущури ўртасида «арра» қилинади. Нафс — қолқон. Кимки унинг домғи алинса, албатта жиноят кўчасига кириши тайин. Бошқарувчи билан мудирдан ташкил топган «иқчил» текин даромадга маззахўрак бўлиб қолгандилар. Вилоят «Халқ банки» томонидан назоратнинг бўшлиғи, қолаверса, маҳаллий ҳокимлик вакилларининг лоқайдлиғи юлғичиларга қўл келди. Тумандаги «Фарход» фермер хўжалиғи ҳисоб-рақамига пул ўтказиш орқали банкка тегишли «Тико» енгил машинаси таъмирдан чиқарилди баҳонаси билан 600 миң сўм пул яна гумдон қилинди. Сабаби, фермерликда енгил машиналарга техник хизмат

кўрсатиш устaxonаси очилган. Бу «чўпчак» аслида банк бош ҳисобчиси Маъруфжон Раҳимов ва Қудратбек фатвоси билан тўқилган. Ҳолбуки, Марказий Банк бошқарувининг 1998 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси банклари

Энди нафси ҳақалак отган бу уқлик миллионларни ўмарини қўзлай бошлади. Бунинг ҳам иложи топилди. Тумандаги масъулият чекланган «Умумий овқатланиш» хиссадорлик жамияти томонидан фуқаро Шухратжон Отахоновга тўлов учун «Халқ банки»га ўтказилган 1 миллион 350 миң сўм пул маблағи қўл келди. Бу сотилган асал махсулот учун тadbиркорга иш ҳақи тўлови эди. «Уқлик» маънасида бир жойга қўйди. Пул маблағининг 54 миң сўми банк даромадига олинади.

Қ.Акбаров фармойиши билан қолган 1 миллион 152 миң сўм пул Ш.Отахонов номига расмийлантирилди. Қалбақи ҳужжатлар тузилди. Бу тadbиркорнинг қонун билан ҳимояланган манфаатларига жиддий зарар етказиш эди. Энди на- бириктирилган ҳолда Қорабағиш қишлоғида яшовчи Тўхташ Тўрабоевга ҳам 1 миллион сўм микдорда кредит пули бериб юборилди. Бироқ қарз пули ажратилишида республика «Халқ банки»дан рухсатнома олиш унутилди. Қиғир ишнинг қийғи қирқ йилда ҳам чиқади, деганларидек норасида гўдақлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қариялар, етим-ёсирлар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ризқи охири жиноий гуруҳнинг эстагидан тутди. Тафтишчилар томонидан банк иши элакдан ўтказилганда 17 миллион 630 миң 908 сўмлик камомад борлиғи аниқланди. Пул ундирилди. Жиноят ишлар бўйича Андижон вилояти Марҳамат туман суди судяси А.Раҳимов раислигида ушбу тўданинг қилмишлари кўриб чиқилди. Қора қурсида номлари эйр қилинган К.Акбаров, Х.Омонова, З.Қамолов, А.Хусанов ва бошқалар ер чизиб ўтирдилар. Улар томонидан талон-торож қилинган 21 миллион 321 миң 908 сўм тўлалиғида давлатга қайтарилди. Суд ҳукми билан жиноятчиларга жазо ва жарима белгиланди.

**Р.СОБИРОВ**



Миришкор туманидаги «Исмоил бобо» фермер хўжалиғи раҳбари Улуғбек Исмоилов (суратда) ўзининг омиқкорлиғи, ташкилотчилиғи билан эътибор қозонган. У етакчилик қилаётган миришкорлар бу йил ажойиб муваффақиятини қўлга киритдилар. Ҳар гектар ердан 92 центнердан сара дон йиғиштириб олишга эришдилар. Меҳнат ютуғида шароитга мос уруғлик танланганлиғи, илгорлар тажрибаси амалиётга кенг ҳоли этилганлиғи муҳим рол ўйнади.

**Ш.СУЛТОН олган суратлар**



Диққат, янгилик

«БОЙҚҮРГОН» — БОБОЛАРИМИЗ ҲАҚИДА


Шундай одамлар бўладики, улар ўзларининг фидойилиги, жонбозлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Дойми ниманидир рўйга чиқариш мақсадида қўйиб-пишиб юрадилар. Бундай ҳаракатлар замирида заррача манфаат бўлмайди. Таассуфки, уларга кўп ҳолларда эътибор бермаймиз. Шунга қарамадан, улар ўз олдларига қўйган эзгу ниятларидан асло ортга қайтмайдилар. Деҳқонободлик Дайнов ака Бердиев билан ўтган суҳбат мобайнида ана шунга амин бўлдим.

— 1960 йили қишлоғимизга бир савдогар туз олиб келди. Раҳматлик отам «Туз қаерники?» дея сўраганида у «Бойқўргонники» дея жавоб берди. Шунда негадир отам оғир хўрсиник билан уф тортиб қўйди. Босинини сўрадим. «Эй, ўғлим, бир пайлар бойқўргон номи мустаҳкам қўрган бўлган. Ҳатто ота-боболаримиз «Бойқўргон» деган ўйин ўйнашган...»

Шундан бошлаб бутун ўйиннинг «Бойқўргон» ўйини эгаллаб олди. У туркида кўпни кўрган кексалардан сўраб-сўриштирдим, кўҳна кўлэма манбаларни титкиладим. 26 йил давомида ушбу ўйин қоидалари устидан изландим, ишладим. Бу вақт ичида шашка, шохмот сингари ақл ўйинлари тарихи, келиб чиқиши, қонун-қоидаларини ўрганиб чиқдим. Ва шунга ишонч ҳосил қилдимки, «Бойқўргон» ҳақиқий миллий спорт ўйинимиз экан. 9-асрдан ўйнала бошлаган бу ўйин бизгача тўлиқ етиб келмаган.

— Мазкур ўйин қонун-қоидалари қандай? Умуман, унинг бошқа ақл ўйинларидан фарқи жihatлари нималарда жиҳатлари?

— «Бойқўргон»да рақиблар ёки рақиб жамоалар 1 дан 9 гача ҳамда 0 (Бойқўргон) кўринишида белгиланган.



Шундай экан, шўро даврида «Бойқўргон»ни юзага чиқариш сиз учун осон бўлмагандир...

— Албатта. 1986 йили барча ҳужжатларни расмийлаштириб бўлган уни оммалаштириш учун ҳаракатларимни бошладим. Анчагина асаббузарликлардан сўнг ўша пайтдаги Ўзбекистон Маҳаллий саноат ва саноатчилик қўшма корхонаси раҳбари Шайхмуродов билан биргаликда «Бойқўргон» миллий спорт тури, бу атамалар соф туркийча эканлигини, шунинг учун бирортасини ҳам ўзгартирмаганини айтдим.

Ишонганимиз, ўша пайтда ҳўрланганлигимиз, камситилганлигимиз учун йиғлаб юборибман. Мен йиғит йиғламайди деган қатъий тўхтамда эдим.

«МЕН ҲОЗИРГИ КҮН БИЛАН ЯШАЙМАН»

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Роберт Авакян ва қизи Анушнинг ҳайкалтарошлик ишлари кўргазмаси очилди. Роберт ва Анушнинг кўргазмасини бу ерда ташкил этишни анчадан буюн ният қилиб қўйган, «деди» «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг бош директори Крис Крамер. Мен Робертни анча йиллардан бери танирдим, афсуски, у орамиздан бевақт кетди. Мазкур кўргазма эса унинг хотирасига бағишланади. Истеъдодли ҳайкалтарошлик ишлари Россия, АҚШ, Канада, Англия, Япония, Германия, Польша давлатларидаги санъат илҳомдорларининг хусусий коллекцияларидан ўрин олган. Шуниси қувонарлики, унинг қизи Ануш ота касбини фаол давом эттирмоқда.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Бирок ор-номуси, гурури топталганда, ҳатто тоғлар ҳам йиғларкан. Мустақиллик туғайли «Бойқўргон» ўз халқига қайтарилди. Патент олдим, рамзий белгига гувоҳнома берилди. Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси томонидан миллий спорт ўйини сифатида рўйхатдан ўтказилди. Қарши шаҳрида ўйиннинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Ҳозирда Қашқадарё вилояти «Бойқўргон» федерацияси фаолият кўрсатмоқда. Кенг оммалаштириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётти. 11 июл куни эса пойтахтимизда «Бойқўргон» бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Бирок бу билан мақсадимизга етдим, дея олмайман. Негаки, «Бойқўргон»ни халқроқ майдонга чиқариш зарур. Бугун миллий курашнинг маънавияти бўлаётган жаҳон ахли эрта-индин «Бойқўргон»ни яратган аждодларимиз шаънига ҳам тасаннолар айтсалар, ажаб эмас.

Абдурашул ҲАҚИМОВ, Арслон ЭШМУРОВ

Илҳом

Ўғлим, сўрамасан сендан мол-дунё, Уй ҳам қуриб берма, майли, аломат. Майли, кўзларимга бўлмагил эиб, Ёнимда юрсанг бас соғу саломат.

ОПА ДУОСИ

Ўғлим, хазинамга келтирма тилло, Дунёда яшагил пири бадавлат. Отанг дўстларини дўст тутиб, илло, Даврингни сурсанг бас соғу саломат.

Майли, қаҳрингни соч номардларга сен, Озни кўп кўр, айла сабру қаноат. Ўшларга очил дил меҳрини кенг, Ўшри кўрсанг бас соғу саломат.

Ўғлим, оғиб берма осмондан юлдуз, Инсон бу дунёга меҳмон, омонат. Истиклол ҳосилин төр тўкиб, тўкис. Эл учун ўрсанг бас соғу саломат.

Эшитганим бўлсан фақат хуш хабар, Умрингда кўрмагил қайғу-надомат. Вақти дунёдан кўз юмсам агар, Тобутим тутсанг бас соғу саломат.

Асо бўл, суянч бўл қариган чоғим Менга шунинг ўзи каттақон давлат. Барча унутса ҳам ўчган чароғим — Сен ёқиб турсанг бас соғу саломат.

Забихилло НУРИЛЛО

Биласизми?

ЭНГ ҚАДИМИЙ ТИЛЛАРДАН БИРИ

Тилшунос олимлар грек тили Греция ҳудудида милоддан аввалги 1900-1580 йилларда пайдо бўлган, деб ҳисоблашади. Бу даврларда мамлакатга келиб жойлашган қабилаларнинг асли ватани Дунай водийсидир.

Улардан биринчи бўлиб милоддан аввалги XX асрларда Ионийлар қўчиб келишди. Сўнгра Хинд-Европа уруғларига ёт бўлган Эгейлар қўчиб кела бошлади.

Лекин Ионийлар ҳам қараб туришмади. Улар ўзлари учун келгинди ҳисобланган пелазгилар, терринлар, қарийлар устидан қўчиб келиб, бутун элла бўйлаб тарқалишди. Натижада қабилаларнинг зафарли юриши бошланди.

Милоддан аввалги XVII асрларда ионийлардан сўнг янги қабилаларнинг зафарли юриши бошланди.

Улар кичик Осиё қирғоқлари, Эгей, Крит оролларида қадар бўлган ҳудудда ҳукмронлик қила бошлашди.

Шу даврда микена маданияти тараққий этади. А.АЛИЕВ тайрлади

Маҳалла фаолиятида ҳаминча оила муаммолари биринчи ўринда турган. Негаки онларнинг икки-чиркларини сөрөб. Шулардан бири ёш оилалар муаммосидир.

Авалдан келинли ўйини сувоқли ўй, назокатли, сариштали ўй, дейишади. Келинли ўйнинг файзи шундай улукки, унинг шарофатидан ҳатто кўни-қўшинлар ҳам баҳраманд бўлишади.

Маҳалламизга келин тушса, албатта ўша хонадон жойлашган кўчадан эрта тонгда ўтишга ҳаракат қиламан. Ўйлақлар суви сөлб, озода қилиб сулуриб қўйилганлигини кўриб, баҳри дилим очилади. Қариялар келин қаддини кутлуг санаганига қайта-қайта имон келтираман. Сақиз келиннинг меҳрибон қайнонаси, 80 баҳорини қаршилаган Гўлсув буви келинларини тилларидан бол томиб мактайди.

Келинларим «ёмонларим» туғайли келган «яшилларим». Улар менга буви бўлишдек муборак толини ато этган азизларимдир. Биринчи бор буви бўлганимда шундай ҳаракат қилдимки, йўқ эди. Дунёдаги энг бахтиёр оналардан эдим, шунданми ҳар қалай тўнғич келиннинг меҳрим бошқачароқдай. Аммо «чўта бўлса, ўрни бошқа» деганларидай бирини биридан устун қўя олайман. Уларнинг ҳар қайсиси мен учун бир дунё. Хонадонимга кўч-баракка, обрў-эътибор ва қанчадан-қанча бахтиёрликлар олиб кирганлар ҳам ана шу келинларимдир.

Бувидан келинларингиз билан ноҳушиликлар ҳам бўлганим, деб сўрайман. Бу саволини «Вой айланай, мен ўз фарзандларим эркалигини кўтурсам уларни деб хонадонимга келган фарзандларим орқасидан фарзандим бўлган, «ойи» деб ҳурматини жойига қўйган фаришталарини қандай қилиб ранжитарин», деб жавоб бердилар.

Анчқ чойни ўқлаб онахон сўзларидан давом этадилар.

— Ҳар оиланинг ўзига яраша сир-синоати бор. У четга чиқиси қерас эмас. Баъзан

Турмуш чорраҳаларида

Ана шу оғирликни кўтарсан, яхши қайнона бўласан. Бир-икита болали бўлганидан кейин ўзи шайхонга тушунган, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Аммо зинҳор-базинҳор келиннинг дилига озор бермагин.

Гўлсув бувининг ҳаёт йўли ҳар қандай қайнона учун сабоқ. Қайнона ўз масъулиятини тўри тушуна, олам гулистон, дейди Гўлсув буви. Аммо онда-сонда бўлса ҳам қайнона

Келинларим, у ёки бу нарсалардан ранжиб, аччиқланса, тумтайиб қолса, мен эшитмасликка, пайқамасликка олиб кетаман, шайхондан тушиб, аччиғи босилганидан кейин, ўзлари уялиб «Ойижон, кеңирасиз, қизиққонлик қилибман» деб келинларим,

ЯХШИ КЕЛИН ЯХШИ ҚАЙНОНА ПАНОҲИДА КАМОЛГА ЕТАДИ

чирим сўрайди. Гўлсув буви яқинда набира-келин туширдилар. Онахондан шу ҳақда сўрадим. — Уйларимдан набира келинларим жуда кўп. Яқинда ёлғиз қизим ҳам келин туширди. Янги қайнона бўлган қизим ваҳимага тушиб, «Ойижон, келиним ёмон чиқиб қолса-я, унда нима қиламан», деб қолди. Шунда унга маслаҳат бердим: — Ёмон келин бўлмайди. Фақат уни яхши гапириб, тўри йўлга солидиган яхши қайнона ўзини бўлишиг керак. Ёшгина навниҳол, ҳали ҳеч қандай ҳаёт таърибига эга бўлмаган келин ўйинга меҳмондек кириб келади. Ёқтирадиган ҳам, бездирадиган ҳам ўзинанг. Сен уни жонингга жойласанг, меҳр билан муносабатда бўлсанг, уни тўри тушуна олсанг, келин ҳам шунга яраша муомала қилиб, ҳурматингни жойига қўяди.

Ундан кейин, у ўсиб-ўлғайган, воғая отган оиладаги шайхон билан сенинг хонадонингда шайхон ўзгача эканлигини ҳам унутмаслик керак. У сенинг оиланг шайхонга қўни-қўшиқча қўйалади. Шунинг учун ҳам, жоним болам, қайноналик оналиқдан анча мушқулроқдир.

на-келин моҳаролари қулқоқда чалиниб қолади. Бу эса кишини қаттиқ ранжитади. Нима бўлдию қўшимиз Холжон иккинчи келинини туширгач ўзгарди қолди. Катта ўғлингизни хизматига бошқа шайхонда бўлганини сабабли тўйдан сўнг, «чилласи қиммасдан» келинни олиб хизматига жўнаб кетган эди. Иккинчи келин тушган, қайнонанинг гапи қўйди. Келиннинг топди бир қадимдан камчилик ҳарди. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, деганларидек бечорани кўз очирмай қўйди. Бир сафар чўддек кийиниб чиққан келин «фаросатингиз борми, шундай кимматбах қийинми уйда қийиб бўладими?», деб бобил берди. Иккинчи марта эса келиннинг эғидан қимматбах халатини шартта ечиб олиб, сандиққа солиб қулқоқ қўйди. Келин бечора ҳаммасига чидади. Аммо қайнонанинг қилдан қийқ ахтариб, бўла-бўламсага жанжал чиқарверини авҳига минди. У ҳаттоки, қаерда ўлгансан, тарбия берган ота-онанга минг ланъат, деб аюхондус соладиган одат чиқарди. Бундай бедодликка чидай олмаган келин мулоийма-

лик билан «ойижон, ота-онамга тил теккизмаган» дейиши билан қайнона қайнаб кетди. Бу, вайнон бегга чопарлигини қаранг. Гап қайтаришини қаранг бу тарбияси-нинг. Дод, безобет келиннинг дастидан воқоид, деб илон қақандек чинқирди.

Кўв бол ишдан қайтганда «жанг» яна қизиди. Ҳатто, она ўлганга: «Ё мени дегин, ё хотинингми» деб турғилди. Охири келин ноилжот ота-онасиникига кетди. Унинг ўзга илоҳи қолмаган эди. Ахир ҳамма нарсалар чегара бўлади-да.

Яхшики, бундай ҳолатлар камроқ учрайди. Кези келганда маҳалладошларимдан бирининг келинига бўлган илик муносабатини қаламга олсам. Унга тангри уч келин насиб этган. Энг аввало, шунини алоҳида қайд этиш жоизки, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги Юсуфбек ҳождек у келинларини сезлаб «ойижон» деб муомала қилади. Мана, ўнлаб йиллар ўтдики, бу гузал муомала оилани жипслатириб, ўзининг ширин-шакор меваларини бермоқда. Бундай ибратли муносабат ҳар қандай тош юрқани ошматдади, тажаңг фелъ-атворни тўзатади. Қўшим бир гал шундай деб қолди: «Ойижон» десам уч келиним баб-баравар «лаббай» деса бўладими? Шундан кейин, катта келиннинг «оппоқ ойи», иккинчисини «олтин ойи», учинчисини «зумрад ойи» деб атаиб бошладим.

Келинлар нафақат оиланинг кўрқи, балки маҳалланинг фойдасидир. Яхши келинлар эса пиру бадавлат, зукко, тадбиркор қайноналар паноҳида камолга етадилар. Шу боис кўпни кўрган нурунийларимиз, яхши қайнона бўлиш яхши она бўлишдан қийинроқ, дейишади.

Мусокил УСМОНОВ

Дастурхон кўрки

КўРИНИШИДАН ПОМИДОРГА ҲАШАЙДИ

Серкўёш мамлакатимизда етиштирилаётган ширин-шакор мевалар сафига ҳурмо ҳам қўшилди. Айрим кишилар финик дарахтининг мевасини ҳурмо деб тушунадилар.

Финик тропик мамлакатларда ўсадиган иссиқсезвар ўсимликлардан бўлиб, ҳатто 2-3 даражалик совуққа ҳам чидай олмади. Бизда финик фақат туваклардагина зийнат ўсимлиги сифатида ўстирилади, аммо у мева тугмайди.

Ҳурмо — субтропик ўсимлиги. У бошқа субтропик ўсимликларга, жумладан, анор ва анжирга қараганда совуққа анча чидамли бўлиб, кўринишидан ўрта бўйли олхўри ёки олма дарахтини эслатади.

Ҳурмо меваси фарқ пишганда тўқ сариқ тусга қиради. Ташқи кўринишидан помидорга ўхшайди ва ҳар бир донасининг вазни 100 граммдан ярим килограммгача етади.

Ҳурмо меваси тарихий қадимдан осон ҳазм бўладиган глюкоза ва фруктозадан иборат 24 фоизгача қанд ҳамда А ва С витаминлари, каротин, органик темир моддалари бўлади.

Ним табассум

ДЎСТИМДАН АЙЛАНАЙ

Афандининг бир тўп эрта-ташар ўриги бор эди. Бир кун қараса, тела шохида уч донаси сарғайиб қолди. Афанди ўриқни узиб, хонга олиб берди. Хон Афандига инъом берди. Афанди кузакда хонга яна биронга яхши мевадан совға қилиб инъом олмақчи бўлди-ю, бу сафар ёнғоқ олиб берди. Йўлда, бир ошаси ураб:

— Ҳўш, Афанди, йўл бўлсин? — деди. — Хонга ёнғоқни совға қилиб бораёйман. — Хон ёнғоқни ёмон қўради, анжир олиб боринг, — деди.

Афанди йўлдан қайтиб хонга анжир олиб берди. Хоннинг бурни пучқ бўлиб, лақаби анжир эди. Афандининг анжир олиб келганини кўриб, аччиғи келди-ю, яса-вуллардан бирига:

— Олиб келган нарсаси билан бошига ур! — деб бурди.

Бокс

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ

Олис Руминиянинг Бухарест шаҳридан хушхабар келди. Унга кўра бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бу ерда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақаларда вакилларимиздан Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи талабаси, наманганлик Илҳом Раҳимов (50кг) галабаси шарафига Ўзбекистон мадҳияси янгради. Терма жамоанинг яна бир аъзоси фароналик Элдор Турсунов (52кг) қумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек бир қатор ёшларимиз ўзининг, туртинчи ўринларини қўлга киритдилар.

ОТАБЕК ВА БЕҲЗОД БАНГКОКДА

Ўсмирларимиз худди шундай нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб қайтган бўлса, катта ёшдаги боксчиларимиз Таиланднинг Бангкок шаҳрида 6-13 июл кунлари бўлиб ўтаётган жаҳон биринчилиги баҳсларида қатнашиш учун жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон терма жамоаси сафига касабанош спортчиларининг борлиги қувонарли, 48 кг вазнда фароналик Отабек Мажнонов ҳамда 57 кг вазнда тошкентлик Беҳзод Хидировлар юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

А. ЮНУСОВ

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорня Алимқўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибати 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган